



# «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2021-yil «18» 10

TOSHKENT

№ 1034-Н

## “Комплаенс-назорат бошқармасининг Низомини тасдиқлаш тўғрисида”

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг 2020 йил 26 октябрдаги “Комплаенс-назорат бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида”ги 718-Н-сонли буйруғига мувофиқ, **буюраман:**

1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Komplаенс-назорат бошқармасининг номи Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасига ўзгартирилсин.

2. “Ўзбекистон темир йўллари” бошқарув раисининг 2020 йил 26 октябрдаги “Комплаенс-назорат бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида”ги 718-Н-сонли буйруқнинг матни бўйича “Комплаенс-назорат бошқармаси” сўзлари “Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси”га ўзгартирилсин.

3. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда - Низом) мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бошқарув раисининг ўринбосарлари в.б. Х.А. Омонов ва У.Н. Турсункулов, Персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи А.И. Ҳамролиев Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси бошлиғи О.Н. Худойқулов билан биргаликда Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасининг штат бирликларини малакали мутахассислар билан тўлдириш ишларини тезлаштирсинлар.

5. Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи Б.Ш. Наримов мазкур буйруқнинг 1-бандига мувофиқ Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасининг штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритсин.

6. Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси бошлиғи О.Н. Худойқулов:

тасдиқланган Низомни қисқа муддатларда тегишли бўлинма, бошқармаларга етказилишини таъминласин;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхона, бўлинмаларида 2021-2022 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун тақдим этсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш бошқарув раисининг ўринбосари в.б. Х.А. Омонов зиммасига юклансин.

Бошқарув раиси в.б.



Х.Н. Хасилов